



e-mail: xxi_asr@umail.uz



27-MAY
2021-YIL
21 (915)

web sayt: www.21asr.uz
@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY- SIYOSIIY GAZETA

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Дунёни топширайлик болаларга



Хисан ГАЙДО олган сурат.

Дунёни топширайлик болаларга,
ҳеч бўлмаса бир кунга,
Ол алвон бир шар каби берайлик,
ўйнасинлар,
ўйнасинлар кўшиқлар куйлаб
юлдузлар орасида.
Дунёни болаларга топширайлик.

Улкан бир олма каби, топширайлик
иссиқ бир нон каби,
Ҳеч бўлмаса бир кун тўйсинлар.
Дунёни болаларга топширайлик.
Бир кун бўлса ҳам ўргансин
дунё йўлдошликни.
Болалар дунёни олажак
қўлларимиздан,
Ўлимсиз дарахтлар экажаклар.

Нозим ҲИҚМАТ

УШБУ СОНДА:

Талимаржон ИЭС –
Қашқадарё маржони



4

БЕНЗИН НАРХИ ОШИШИДАН
ким манфаатдор?



8

ИККИ ҚўНГҲИРОҚ ОРАСИ



12

Сайлов – 2021

O'zLiDeP вакиллари ЕХҲТ миссияси экспертлари билан учрашди

Шу кунларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари Ўзбекистонда бўлиб турибди.



Ташрифдан кўзланган мақсад мамлакатимизда 2021 йил октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида тайёргарлик жараёнларини ҳамда мазкур муҳим сиёсий воқеалар арасидаги шарт-шароит, вазиятни ўрганишдан иборат.

Ташриф доирасида

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида партия раҳбариятининг Миссия экспертлари – Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлар бўйича катта маслаҳатчиси Алексей Громов ва Бюронинг сайловлар бўйича маслаҳатчиси Мартина Баркер-Ци-

ганикова билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда экспертларга O'zLiDePнинг бугунги кундаги фаолияти, Сайловолди дастурининг амалга оширилиши ҳамда электорат билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Президент сайловида партия томонидан

олиб борилаётган тайёргарлик жараёнининг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот дўстона ва конструктив руҳда бўлиб ўтди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси матбуот хизмати

КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН

Жаҳон айвонидаги ҳар бир давлат, ер юзидаги ҳар бир халқ ривожланиш босқичларида улугвор мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилишнинг асосий сабаби эртанги кунни янада порлоқ кўриш, фаровон турмуш учун муносиб шароит яратиш зарурлиги билан изоҳланади. Келажақ авлод олдидаги улкан масъулият эса бу борадаги интилишларнинг устувор йўналишларини табиий талаб тарзида кун тартибига қўяди.

Президентимизнинг бево-сита ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва бугун ижобий натижаси яққол кўринаётган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” босқичма-босқич, тадрижийлик тамойилига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилган ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ёрқин далилидир. Буни сиёсат самарасини мунтазам кузатиб борадиган нуфузли экспертлар ҳам эътироф этишади. Уларнинг фикрича, юртимиздаги янги ислохотлар том маънода изчиллик ва уйғунлик пойдеворига қурилган.

Сўзни беш йиллик муайян бир давр – сайлов цикли билан бошлаганимиз бежиз эмас, албатта. Зотан, Янги Ўзбекистонни куриш йўлидаги шиддатли ислохотларнинг дастлабки босқичини яқунлаб, навбатдаги марралар сари қадам босиш арафасида турибмиз. **Шу йилнинг октябр ойида бўлиб ўтадиган Президент сайлови барчамизнинг келажагимизни белгиловчи муҳим воқеа ҳисобланади.** Айниқса, амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар учун бу тадбирнинг нақадар катта аҳамият касб этишини таърифлашга ҳожат бўлмас керак.

Электорат билан ишлаш ҳадисини олган тадқиқотчилар навбатдаги сайловга тайёргарлик аввалги сайлов ниҳоясига етган куннинг эртасига бошланишини бот-бот такрорлашдан чарчашмайди. Бундай ёндашув сайловда ютган ва ютқазган партияларга ҳам бирдек тегишли. Муваффақият қозонган сиёсий куч қўлга киритилган галабани сақлаб қолиш янада оғирлигини сезган ҳолда ҳушёрликни оширсан, қолган партиялар йўл қўйилган хатолардан ҳулоса чиқаришга ҳаракат қилади, самарали технологиялар устида бош қотиради. Шу маънода, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси олдида айни кунларда қандай масъулиятли вазифалар турганини ҳис қилиш мушкул эмас.

– Тўғри, сайловнинг ўзи бир кунда, янаям аниқроғи, сутқанинг ёруғ қисми бўлган



12 соатда ўтиб кетади, – дейди **О‘зЛиДеР Фаргона вилояти кенгаши раиси, Халқ депутатлари Фаргона вилояти кенгаши депутати Раҳматулло Камолов.** – Аммо ана шу 720 дақиқада йиғиладиган сайловчибай овозлар қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Адабий тилдаги бебаҳо сифати айнан мана шу ҳодисага жуда мос тушади. Мазкур жараёнинг долзарб жиҳати шундаки, эртага қандай яшашимизни одамларнинг ўзи эмин-эркин танлайди. Бунинг учун Ўзбекистонда барча шароитлар яратилган. Қўрқмасдан айта оламани, сайлов ёшидаги инсонлар ўзининг сиёсий иродасини бемалол намойиш этиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Чунки сайлов жараёнининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Ҳатто илгаригидек биргина оила боши бориб ҳамма учун овоз бериб келадиган замонлар ҳам ўтиб кетди дейишга асослар етарли энди.

Сўнгги йилларда юртимизда сайлов тизимини тақомиллаштириш борасидаги ислохотлар туфайли бу муҳим сиёсий жараёни тартибга солувчи ягона кодекс яратилди. Бу галги Президент сайлови илк бор ана шу Сайлов кодекси асосида ўтишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам О‘зЛиДеР вакиллари анча аввал бошланган тайёргарлик ишларининг айни пайтда ҳал қилувчи довландиран ўтмоқда.

Сайлов – аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, халқчил ғояларни тарғиб этиш ҳамда партиядан кўрсатиладиган номзоднинг сайловдаги дастури орқали электорат манфаатларини янада реал ҳаётда ифода-лаш имконидир. Масалан, бугунги кунда қуйи бўғинларда, тадбиркорлик субъектларида,

маҳаллалар ва таълим масканларида, қўйинги, барча жойларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашуларда партиямиздан кўрсатиладиган номзоднинг сайловдаги дастури лойиҳасига таклифлар олинмоқда. Уларнинг энг са-

етиш, қишлоқларда сервис ва логистикани ривожлантириш, фуқароларда адвокатура институтига бўлган ишонччи мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашда жавобгарликни кучайтириш, янги қабул қилинаётган қонунларни кенг тарғиб этиш, касб-ҳунарга ўқитиш тизимини замон талабларига мослаш каби таклифлар 15 дан ошди. Лекин бу мулоҳазаларнинг камида ўттиз қирраси бор. Уларнинг ҳаётга жорий этилиши ўшбу йўналишлар билан боғлиқ кўпилаб масалаларга ечим топилишига замин ҳозирлайди.

– Бу йилги сайловлар ўтган галгилардан тубдан фарқ қилади. Энг асосийси, онгу шуурда, дунёқарашда содир бўлган ўзгаришлардир, – дейди **О‘зЛиДеР Жиззах шаҳар бўлими аппарат раҳбари Нурпўлат Тўрабаев.** – Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги одамлар кечаги одамлар эмас. Муҳокамалар чоғида дастур лойиҳасидаги асосий йўналишлар тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани бизга кўшимча куч бағишламоқда.

ЖИЗЗАХ

ЎН БЕШ ТАКЛИФНИНГ ЎТТИЗ ҚИРРАСИ

О‘зЛиДеР Жиззах шаҳар бўлимида ташкил этилган тадбирда депутатлар, партия фаоллари ҳамда электорат вакиллари иштирок этишди. Мулоқот иштирокчилари партиядан кўрсатиладиган номзоднинг сайловдаги дастури лойиҳаси бўйича қатор таклифлар билдиришди. Хусусан, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ваколоти

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ҲАР БИРИМИЗ- НИНГ ЎРНИМИЗ МУҲИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловдаги дастури лойиҳаси бўйича партия аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиб чиқиш бўйича пойтахт вилоятида ҳам тизимли тадбирлар, очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда.



ва масъулиятини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган мутасаддиларга қонуний жавобгарликни ошириш, энг чекка ҳудудларда ҳам кичик саноат зоналари ташкил

Давра суҳбатлари давомида Президент сайлови янги миллий сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро стандартларга амал қилинган ҳолда демократик тамойиллар асосида бутунлай янги-

ча муҳитда ўтишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. О‘зЛиДеРдан кўрсатиладиган номзоднинг сайловдаги платформаси лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалари тингланиб, уларнинг ҳар бири мушоҳада чиғирғидан ўтказилмоқда.

Нурафшон шаҳрида маданий-маърифий тадбирларга мўлжалланган муҳташам маданият мажмуасини қуриш, Ўрта Чирчиқ туманида кичик саноат зонасини ва Зангиота туманида логистика паркинни ташкил этиш, Юқори Чирчиқ, Бўка туманлари ва Бекобод шаҳрида технопарк очиш, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларини тадбиркорларга сотишнинг содда ва шаффоф механизми янги жорий этиш, Қуйи Чирчиқ туманида шолани қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, Чиноз, Оққўрғон, Оҳангарон туманида янги механизм асосида боғ барпо этиш, Оҳангарон ва Паркент туманларида лалми, яёлов ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобига донли, мойли, дуккакли, доривор, шафран ва озуқа экинлари етиштириш, Бўка, Бекобод, Чиноз ва Оҳангарон туманларида қишлоқ хўжалиги техника парки ва илмий марказини ташкил этиш, пахта тозалаш корхонаси, ип-калава, трикотаж, тиббий ниқоб ва кийимлар ишлаб чиқариш, донни қайта ишлашни йўлга қўйиш сингари жўяли таклифлар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, **Тошкент вилояти сайловчилари октябрдаги тадбирда**

ЭНГ МУҲИМ ЖАРАЁН

АНДИЖОН

МАВЖУД МУАММОЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМИ

Водий ёшлари ташаббускорликда кўпчилик тенгдошларига ўрнак-намуна кўрсата олиши азалдан маълум. Айни вақтда олдимизда турган муҳим сиёсий воқеликка тайёргарлик жараёнларида ҳам бу жиҳат яққол намоён бўлаётди. Мамлакат Президентлигида партиямиздан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастурига тайинли таклифлар киритишда ҳам навқирон авлод анча фаоллик кўрсатаётгани фикримиз далилидир. Энг муҳими – бу таклифларда мавжуд муаммоларга оқилона ечим топишдек улкан ғоялар акс этмоқда.

Масалан, партия вилоят кенгаши ташаббуси билан Избоскан туманида ташкил этилган давра суҳбатида **Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Азизбек Даминов** ички йўлларнинг таъмирланиши, асфальтланиши бўйича “Миқдор ортиши тамойили”ни қўллаш таклифини берди. Негаки, қишлоқ жойларда ички йўлларнинг ҳолати яхши эмас. Ҳар йили уларнинг икки ёки учтаси


чиқаётди. Эртанги кенг қамровли иш-лохотлар, бунёдкорлик ишлари, фаровон ҳаётнинг пойдеворини қуришга қаратилган ҳар бир эзгу фикр муҳим аҳамиятга эгадир.

СУРХОНДАРЁ

“КОРРУПЦИЯСИЗ ҚўЛЛАР” СИЁСАТИ

Янги Ўзбекистон – кучли парламентаризм институти фаолият кўрсатаётган ва “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойили амал қилаётган мамлакатдир. Сурхон воҳасидаги учрашуларда кўп айтилатган фикрлардан бири ана шу бўлса керак, назаримизда.

Энг фаол юртдошларимиз жамланаётган мулоқотларда қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан оширишдан тортиб, рақамли ахборот жамиятини яратиш, “коррупциясиз қўллар” сиёсатини жорий этиш, сифатли тиббий хизмат, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, халқаро ҳамжамият билан мустақам алоқаларни ўрнатишгача бўлган барча йўналишларда ўзгаришларнинг аҳамияти очиб берилмоқда. Ваҳоланки, айни шу жиҳатларни жорий йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия номидан иштирок эта-



Истиқболли лойиҳалар қоғозда қолмағу

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ва O'zLiDeP Миробод туман кенгаши билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамыз!” мавзусида очик мулоқот ташкил этди. Тошкент давлат Шарқшунослик университетида ўтган ушбу тадбирда депутатлар, партия фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

Сўз олганлар бугунги сиёсий жараёнлар, ёшларга эътибор, O'zLiDePнинг навқирон авлод вакиллари учун ишлаб чиққан кенг қамровли “Келажакка касб-хунар билан”, “Ёш муваффақиятли тадбиркор”, “Хавфсиз интернет”, “Парламентда менинг ўрним”, “Ёш мулкдор – юрт таянчи”, “O'zLiDeP кутубхонаси” лойиҳалари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Тадбир сўнггида партия сағифа кириш истағидаги 9 нафар талабага аъзолик гувоҳномалари топширилди. Очик мулоқот, савол-жавобларда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инобатга олиниб, галдаги вазифалар белгиланди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳларида

Йўллар ва ўйлар

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг навбатдаги эшитиши ҳам айнан шу ҳақда бўлди. “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси юзасидан вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси автомобиль йўллардан фойдаланиш ва ҳолатини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Бобомурод Аллаберганов ва минтақавий йўлларга буюртмачи давлат унитар корхонаси техник назорат бўлими бошлиғи Усмон Матякубов ахборот берди.

Вилоятда йил бошида 5 080 км автомобиль йўли, жумладан, 4 020 км ички хўжалик йўллари ва кўчалар таъмирталаблги аниқланган. Қуриш ва таъмирлаш учун 2021 йилда жами 438,2 млрд сўмлик маблағ ҳисобидан 676 км йўлни таъмирлаш режалаштирилган. Пудратчилар ҳозиргача 160 км узунликдаги ички хўжалик автомобиль йўллари таъмирлашган. Шундан 112 километри “Обод қишлоқ” дастури доирасидадир.

– Муаммолар ҳам йўқ эмас. Вилоятнинг “Автойўл” бошқармаси фаолиятини тубдан яхшилаш,

моддий-техника базасини такомиллаштириш зарур. Соҳага маблакали мутахассисларни кенгроқ жалб этиб, назорат ишларини кучайтириш лозим, – дейди депутат Шавкат Сафарбаев.

Ўз навбатида, мутахассислар ва тегишли ташкилот вакиллари соҳани ривожлантириш юзасидан таклифлар билдиришди. Йиғилиш якунида депутатлик гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Умид НУРМЕТОВ,
O'zLiDeP сиёсий таълим
ва депутатлик гуруҳлари билан
ишлаш бўлими мудири**



дастурга киритилса, қолгани навбат ёки ҳомий кутиб йиллар давомида чанг ё лои бўлиб қолаверади.

Талаба-ёшлар учун “Хориж” стипендиясини жорий қилиш таклифи Андижон машинасозлик институтида бўлиб ўтган очик мулоқотда ўртага ташланди. **O'zLiDeP вилоят Кенгаши Ёшлар қаноти бўлими мудири Элёрбек Авуловнинг** таъкидлашича, мазкур стипендия ҳисобига чет тилларини мукамал ўзлаштираётган талабаларга ҳар йили танлов орқали ўқишнинг бир йилини хориждаги худди шундай нуфузли олий ўқув юртида давом эттирилса, таълим давомидаёқ хориждаги тенгдошлари билан тажриба алмашиш, илғор инновацион технологияларни чуқур ўзлаштириш ва юртимизда амалда қўллаш имконияти кенгайди.

Хуллас, муаммога дуч келинса, унинг ечимини сари ташаббус қанот ёзаверади. Депутатлар, партия фаолларининг фидойилиги билан халқнинг дилидаги, тилидаги гаплар таклиф сифатида юзага

диган номзоднинг сайловолди дастурида ҳам акс эттириш муҳимдир.

Шу мақсадда O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши жойларда сайловолди дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирлар уюштирмоқда. Барча туманларда аҳоли билан учрашулар ташкил этиш асносида сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти тушунтириляпти. Электорат вакилларининг ўринли таклифлари алоҳида дафтарга қайд этиб борилмоқда.

Бундан ташқари, **“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида O'zLiDePнинг иштирок этиши бўйича амалга ошириладиган ишлар”** мавзусига ҳам тўхталиб ўтиляпти. Айниқса, жойларда ташкил этилган сайлов участкаларидаги шароитлар, партиямиз сафидан танланган кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш жараёнлари ҳам муҳокамалар марказидан жой олган. Зеро, Президент сайловида муносиб тайёргарлик кўриш сиёсий партия вакилларидан катта масъулият талаб этади.

**Озод РАҲАБОВ,
шарҳловчи**



Талимаржон ИЭС –

Акциядорлик жамияти бош



– Саноатнинг тараққий даражаси аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган электр энергияси миқдори билан белгиланар экан...

– Дарҳақиқат, шундай, энергетика тармоғининг салоҳиятига қараб ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан қай даражада ривожланаётганини тасаввур этса бўлади. Шиддатли замон биздан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қувватларни ошириш, истеъмолчиларни электр билан узлуксиз таъминлашни талаб этмоқда. Юртимиз иқтисодиётини, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган энергия таъминотини йил сайин яхшилаш мақсадида тармоқда қатор ислохотлар амалга оширилаётир. Кейинги уч йил мобайнида давлатимиз раҳбари имзолаган фармон ва қарорлар бунинг яққол

исботидир. Президентимизнинг “Иқтисодиётнинг энергия самардорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада муҳим қадам бўлди.

Бюджетдан ташқари тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси ташкил этилаётгани иқтисодий юксалишимизнинг мустақкам таянчи бўлган энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбат-

лантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Дунёда электр ресурслари етишмаётган ва нархи мунтазам ошиб бораётган бир пайтда қимматбаҳо ва қайта тикланмайдиган манбаларимиздан тежамли фойдаланишимиз зарурлиги ҳақида тарғибот ишларини қўлайтириш олдимида турган долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳолининг электр энергиясига муттасил ўсиб бораётган талабини самарали қондириш долзарб аҳамиятга эга. Шу боис энергетика тармоғини ривожлантиришга янада кенг эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мавжуд электр станциялари ва тармоқларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш, юқори технологиялар негизда ишловчи янги қувватларни қуриб фойдаланишга

топтириш бўйича инвестициявий дастурлар амалга оширилмоқда. Бундан кўндаланган мақсад ишлаб чиқариш қувватларини ошириш баробарида маҳсулот таннархини камайтириш, электр станцияларининг ишончли ва тежамкор ишлашини таъминлаш, атроф-муҳитга зарарини кескин пасайтиришдан иборат.

– Талимаржон иссиқлик электр станцияси нафақат Ўзбекистонимизда, балки дунёдаги йирик электр ишлаб чиқариш корхоналаридан саналади.

– Фикрингизга қўшиламан. Дунёни ҳайратга солган қудратли энергоблоклардан ташкил топган бундай электр станцияси саноқли мамлакатлардагина бор. Мамлакатимиз саноати ва аҳолининг электр нурига эҳтиёжини қондиришга фақат мустақиллик йилларидагина эришилди. “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида учта энерго блок мавжуд бўлиб, 1-сонли 800 МВт.ли энергоблок 2004 йил ноябрда ишга туширилган.

Орадан йиллар ўтиб, давр замонавий блоклар қурилиши лойиҳасини амалга оширишдек масъулиятли вазифани олдимизга қўйди. 2010 йили янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги дастлабки ишлар бошлангач, бир гуруҳ ёшларни “Навоий” ИЭС буг газ қурилмасига иш ўрганиш учун юбордик. Улар 2013-2014 йилларда ўша ерда ишлаб, замонавий технологияларни ишлатиш борасида пухта билимга эга бўлишди. 2014-2015 йилларда эса 30 нафар ёш мутахассис Жанубий Корея ва Японияда бўлиб, янги энергоблоклар қурилмаларини қабул қилиш ва эксплуатация қилиш жараёнида иштирок этишди. Хорижда ортирилган тажриба янги блокларни ишга тушириш ва самарали бошқаришда асқотмоқда.

Ўзбекистон энергетика тизимининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда янги тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадида 2016 йилнинг учинчи ва 2017 йилнинг биринчи чорагида станцияимизда Жанубий Кореянинг “Hyundai Engineering and Construction” ва “Daewoo International Corporation” компаниялари консорциуми томонидан ҳар бирининг қуввати 450 МВт.ни ташкил қиладиган иккита буг-газ қурилмаси бунёд этилиб, ишга туширилди. Япониянинг “Mitsubishi” компаниясида ишлаб чиқарилган модернизациялашган газ турбинаси ҳамда “Fuji” компаниясида тайёрланган буг турбинаси олиб келиб ўрнатилди. Улар программалаштирилган бўлиб, автоматик бошқариш тизими билан таъминланган. Станциянинг кимёвий сув режими “Siemens” фирмаси ускуналари билан жиҳозланган лабораторияларда олиб борилади.


Иккита янги блок ишга тушгандан сўнг станциянинг қуввати 1700 МВт соатга етказилди. Бугунги кундаги ишлаб чиқариш қуввати 1606 МВт соатни ташкил этаётир. Биринчи энергоблокда 1 кВт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 313,58 грамм шартли ёқилғи сарфланган бўлса, янги қурилмаларда эса бу кўрсаткич 220-221 граммни ташкил этмоқда. Станция ишга тушгандан буён 2021 йилнинг 1 майига қадар 119,59 млрд кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. 2021 йилга мўлжалланган 11200,0 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш режасини бажариш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жамиятимиз жамоаси ушбу залворли вазифаларни бажариш учун туну кун астойдил меҳнат қиляпти. Ўтган тўрт ой мобайнида 4,583 млрд кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонамиз фаолиятини йўлга қўйгандан сўнг минтақанинг энг йирик истеъмолчилари бўлган нефть ва газ саноати гигантларига электр энергияси етказиб бериш масофаси ва харажатлари қисқарди.

– Ишловчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасида қандай ишлар бажарилмоқда?

– Жамиятимизда 1252 нафар муҳандис-техник ходим ва ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. Станциянинг барқарор ишлашини таъминлашда туну кун бедор ишловчиларнинг меҳнат қилишлари, дам олишлари, саломатлик тиклашлари учун барча шароит муҳайё этилган. Цехларда метиндек интизом ўрнатилган. Ҳар бир ишловчининг фаолиятига зиммасидаги вазифаларни бажаришига қараб, баҳо берилади. Қурилмалар автоматлаштирилган тарзда бошқарилади. Аини пайтда жамоамиздаги ёшларнинг аксарияти Тошкент давлат техника университети ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти битирувчиларидир.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг ҳаёти, дунёқараши, турмуш тарзида улғувор ўзгаришлар рўй берди. Амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан сўнг станцияимизнинг бевосита онг ва тафаккурининг ўзгаришига, ҳаётга янгича нигоҳ билан назар ташлашига замин яратди. Станцияимизда меҳнат қиляётган ҳар бир киши ютуқларимизга муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Уюшқоқлик, ҳамжихатлик, ташаббускорлик, изланувчанлик аҳил жамоамизнинг шioriга айланган.

Ишловчиларнинг дам олиш соатларини мазмунли ўтказиш мақсадида жамият тасарруфидаги Амир Темур маданият саройида кўрик-танловлар, маънавият тадбирлари, китобхонлик кечалари ўтказиб турилади. Нишон



Қашқадарё маржони

директори Олим ЮСУПОВ билан суҳбат

энергетика касб-хунар коллежи жамият тасарруфига олинган бўлиб, коллеж қошида Нуристон кўрғончасида яшовчи хотин-қизлар учун тикувчилик курслари ташкил этилган. Жамоамизнинг 271 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг 175 нафари ишлаб чиқариш, 8 нафари бошқарув ходимлари, 65 нафари хизматчилар бўлса, қолганлари эса турли соҳаларда фаолият олиб боришмоқда. “Энергетиклар куни” анъанавий касб байрами муносабати билан бир гуруҳ хотин-қизлар “Энергетика фахрийси” фахрий унвонига сазовор бўлишди. Жамиятнинг цех ва бўлимларида 230 нафар ёш меҳнат қилишади. Уларнинг билим ва малакасини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш доимо раҳбарият диққат эътиборида. Қарши давлат университети ўқитувчилари жалб этилган ҳолда инглиз тилини ўрганиш дарслари ташкил этилган.

Станциямизда қулай ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, тартиб-интизом, тозалик ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш, ходимларнинг махсус кийим-бош билан таъминланиши, умумий овқатланиш шохобчалари

олиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади.

– Корхонадаги барча бошқариш тизими автоматлаштирилган экан. Узлуксиз жараёни таъминлаш мутахассислардан юқори малака талаб этади...

– Албатта. Бугун шиддати тез замон билан ҳамнафас яшаб, меҳнат қилмаган киши ҳеч нарсага эриша олмайди. Шу боис мутахассисларнинг билим ва тажрибаларининг муттасил равишда оширишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Ишчи-хизматчиларимизнинг олтмиш фоизи олий маълумотга эга бўлган малакали мутахассислар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги станция қурилишида бевосита иштирок этиб, ишга туширилишга муносиб ҳисса қўшган инсонлардир. Ҳар йили 50 дан ортиқ ходим вазирлигимиз қошидаги маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш марказида таҳсил олади. “Ўқув машқ бўлими” энг сўнгги русумдаги компьютерлар ва замонавий дастурлар билан таъминланган. Цехларимизда меҳнат қилаёт-



вий буг қурилмаларини юқори қувват билан ишлатиш, балки таъмирлаш технологияларини ҳам муваффақиятли ўзлаштирдилар. Илгари қурилмаларда носозлик рўй берганда таъмирлаш учун хориждан мутахассис чақиртиришга мажбур эдик. Энди билимдон ва моҳир мутахассисларимиз ҳар қандай муаммони бартараф этишга қодир. Улар деталлар ресурсларини тиклаш, харажатларни камайтирган ҳолда таъмирлаш ишларини тез ва соз бажаришмоқда. Хавфли ишлаб чиқариш факторларидан ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Юқори кучланишли тебраниш, катта босим ва ҳароратдан сақлаш диққат эътиборимизда. Ишловчилар махсус кийим, қулоқни шовқиндан сақлаш мосламаси, ҳимоя кўзойнаклари, сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминланган.

Билимдон ва малакали мутахассисларимиз ишлаб чиқаётган таклифлар энергетика тармоғи фаолиятини замонавийлаштириш, техник ва технологик янгилашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётир. Станциямиз бугунги кунда тармоқ корхоналарида иш бошлаётган ёш мутахассислар учун тажриба мактаби вазифасини ўтапти десам, янглишмайман. 2018-2019 йилларда Турақўрғон, Тахиятош ИЭСларидан келган ёшлар бизда малака оширишди. Станцияимизнинг цех ва бўлимларида меҳнат қилган муҳандис ва ишчилар айни пайтда “Шўртангазкимё” мажмуаси, Турақўрғон ИЭС, Қандим нефтни қайта ишлаш заводи, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ, Синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш заводи каби гигант корхоналарда самарали фаолият олиб бормоқдалар.


– Станцияда замонавий қўшимча қувватлар қурилиши қачон бошланади?

– Президентимизнинг 2018 йил 1 августдаги “Талимаржон иссиқлик электр станциясини умумий қуввати 900 МВт.дан кам бўлмаган навбатдаги икки дона буғ-газ қурилмаларини қуриш билан кенгайтириш инвести-

цион лойиҳани амалга оширишда бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши, 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасини 2020–2022 йилларга мўлжалланган инвестицион дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 18 декабрдаги “Талимаржон иссиқлик электр станциясини умумий қуввати 900 МВт.дан кам бўлмаган навбатдаги иккита буғ-газ қурилмаларини қуриш билан кенгайтириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида бир қатор компаниялар билан музокара олиб борилмоқда. Осие тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига лойиҳани тайёрлашда техник ҳамкорлик қилиш учун грант ажратилди. Шунга асосан банк халқаро конкурс савдолари ўтказди ва консултант компаниялар томонидан тендер ҳужжатлари лойиҳаси тайёрлаб берилди. Баҳорлаш ҳисоботлари ва лойиҳанинг техник иқтисодий асосларини халқаро ва маҳаллий меъёрлар бўйича ишлаб чиқиш ишлари бажарилди. Осие тараққиёт банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банклари ҳамда қайта қуриш фондининг кредитлари эвазига амалиётга татбиқ этилаётган мазкур лойиҳанинг мутасадди ташкилотлар ва молиялаштирувчи банклар билан охириги босқич келишуви ва тендерга эълон берилган. Лойиҳага 31 та компания қизиқиш билдирган эди. Бугунги кунга келиб, 6 та компания тендер таклифларини ҳавола этди.

4- ва 5-блоклар ишга туширилгач, станциянинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 2600 МВт.ни ташкил қилади ва йилига жами 1 миллиард м3 дан ортиқ табиий газни тежаб қолишга эришилади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳолининг электр энергиясига муттасил ўсиб бораётган талабини самарали қондириши борабариди саноатнинг турли тармоқларида юксак иқтисодий самарадорликни таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

“XXI asr” мухбири
Сайфулла ИКРОМОВ
суҳбатлашди.



фаолиятини назорат қилиш касабаяюшма кўмитаси зиммасида. Жамият тасарруфидаги “Тиббий санитария қисми”да ишловчиларнинг даволаниши учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Ўтган йили 20 нафар ишчи-хизматчи республика сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаган бўлса, 50 нафарига 30 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда моддий ёрдам берилди. Бу йил Бухоро, Самарқанд ва Хоразм шаҳарларидаги меъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилди. Ҳар йили байрамлар арафасида Нуристон шаҳарчасида яшовчи, станцияда ишлаб пенсияга чиққан фахрийлар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилаларнинг ҳолидан хабар

ган барча ишловчиларнинг билими ва иқтидори синовдан ўтказиб турилади. Марказда станциямиз ишлаб чиқариш жараёни ихчам схемаси яратилган бўлиб, ёш мутахассислар малакали устозлари кўмагида ишлаб чиқариш тизимини бошқариш маҳоратини эгаллашади. Замонавий блокларни ҳар хил режимда фавқулодда ҳолатларда бошқариш ўргатилади. Ёшлар тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйилган. Техника хавфсизлигини таъминлаш борасидаги машғулотларда тобланган ёшлар замонавий электрон ускуналарни бошқаришга ўқитилиб, устозлар қўлига топирилади.

Мустақиллик йилларида шаклланган маҳаллий ёшлар нафақат замона-



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

Болажон халқимизни 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин билан табриқлаймиз!

Эртани эгаларининг ёруғ келажакини таъминлаш йўлидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Фарзандлар бахту камолини кўриш барчамизга насиб қилсин!





Жомбой туман

ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ

*Халқаро болаларни ҳилоя қилиш куни қутлуғ бўлсин!
Эзу ни яти миз — ўғил-қизларимиз ҳисмонан соғломи, маънан
барқамол бўлиб ўссин!*

Болаларнинг безубор қулуси жаранги оладини тутсин!



“ОБОД ҚИШЛОҚ”

ДАСТУРИ ИЖРОСИ ОСОН КЕЧМАЙДИ

XXI ASR


Жорий йил Жиззах вилоятидаги 295 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларидаги 275 та маҳаллада ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, тоза ичимлик суви қувурларини тортиш, ички йўллар, электр энергияси ва газ тармоқларини таъмирлаш, ижтимоий объектлар қуриш кўзда тутилган.

Бу эса Халқ депутатлари вилоят, туман(шаҳар) кенгашларида энг кўп ўринга эга бўлган O'zLiDeP вакиллари алоҳида масъулият юклайди. Чунки уйма-уй юриш вақтида ёхуд сайёр қабулларда аҳоли ўртага қўядиган кўпгина муаммолар ечимини айнан “Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳал қилиш мумкин.

Яна бир долзарб масала, яъни айни жараёнда коррупцияни енгиб ўтишдек машаққатли вазифа ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Мамлакат пандемия сабаб юзага келган оғир инқироздан чиққаетганига қарамай, мазкур дастурни сифатли бажариш учун 21 триллион сўм йўналтирилган. Президентимиз таъкидлаганидек, бунақа имконият Ўзбекистон тарихида бўлмаган. Лекин бу пулни лойиҳаларга йўналтирган ҳолда, ҳалол ишлатиб, элга муносиб шароит яратиш керак. Ободончилик, қурилиш-бунёдкорлик ишларининг пишиқ-пух-

та бўлишини таъминлаш, ажратилган маблағнинг талон-торож бўлишига йўл қўймастик учун депутатлик ва жамоатчилик назорати ўта муҳимдир.

Айни кунларда кўп-лаб ҳудудларда дастур доирасидаги ишлар авж-ида. Жумладан, Зомин туманидаги 36-“Навий” сайлов округи ҳудудига қирувчи 6 та ҚФЙ ва МФЙларга жами 101,9 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу маблағ ички йўлларни, ичимлик ва оқова сув тармоқларини, ижтимоий соҳа объектларини қуриш-таъмирлашга, электр тармоқларини тортиш ва алмаштиришга, газ таъминотини, алоқа ва ахборотлаштириш тизимини яхшилашга, янги турдаги чиқинди контейнерлари ва кутилари ўрнатишга, ободонлаштириш ишларига, уй-жой фондининг ташқи қиёфасини яхшилашга, бозор инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва таъмирлашга сарфланиши режалаштирилган.



Жорий йилда ҳудуддаги “Ёшлик” МФЙ “Обод қишлоқ” дастурига киритилган бўлиб, дастур доирасида ҳудуддаги 22-мактаб тўлиқ қайтадан таъмирланади. Ёшлар истироҳат боғи, савдо мажмуаси ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилади.

Мазкур бунёдкорлик ишлари давом этар экан, нафақат ободончилик ва қурилиш жараёнига, балки мазкур ҳудудда яшайдиган одамларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, янги иш

ўринлари яратиш бора-сида ҳам кенг қўламли вазифалар ижросига киришилган.

O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилоти ташаббуси билан Зомин туманида

Тадбир давомида Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари Эркин Холматов, Элёр Тўрақулов, Талъат Усмонов ҳамда Диёр Бозоров ҳамда бир қатор партия

турли касб-хунарларга бепул ўқитишни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга қа-

фаоллари саъй-ҳаракатлари билан ҳудуд аҳлига кўмак сифатида 4 тонна цемент, 2 минг дона пишиқ гишт ҳамда аҳоли учун кундалик ҳаётда зарур бўладиган хўжалик буюмлари, шунингдек, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”даги оилалар учун 600 кг ун ва 60 литр ўсимлик ёғи маҳсулотлари тарқатилди.

Шунингдек, тадбир давомида партия фаоли Нодири Алимова томонидан ҳудудда истиқомат қиладиган 100 га яқин хотин-қизларни

ратилган анъанавий тадбирларни амалга ошириш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича ҳар бир маҳаллада ахтиёржанд оилалар, аёллар ва ёшларнинг муаммолари масалаларини депутатлик назоратига олиш, уларни хусусий ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Бензин нархи ошишидан ким манфаатдор?

XXI ASR

Халқми ё давлат?!

Хабарларга кўра, бензин нархи яна 4,3 фоиз ошибди. Тўғриси, нарх ошишидан безиллаб қолдик. Яқинда ўсимлик ёғи деярли икки баробар қимматлашгани ҳаммамиз учун ноҳусусан янгилик бўлганди.

Ёғ нархи “сакраш” билан ўсган бўлса, ёнилғи нархи секин-аста, бироқ бетўхтов қимматлашиб, ҳайдовчилар чўнтагини қоқлапти. Ўтган йилнинг шу даврида “Аи-80”нинг қиймати ўртача 4 минг сўм эди, ҳозир эса деярли 6 минг сўм бўлди. Бошқача айтганда, нақ 50 фоизга ошди. Ваҳоланки, бир йил мобайнида нефть нархи кескин пасайган вақтлар ҳам бўлди. Жумладан, карантин чекловлари кучайтирилган даврда дунёдаги “қора олтин” оғирларни маҳсулотларни сифдирилмай қолгани, бензин, дизел ёқилғисининг

бозори касод бўлгани, жуда кўп давлатларда нефть маҳсулотлари нархи тушиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ бизда, аксинча, бензин нархи ошишдан тўхтамади. Ваҳоланки, унинг нархи пасайишига таъсир қилувчи омиллар мавжуд.

Биринчидан, ёнилғининг бу тури ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилади. Шу йилнинг дастлабки уч ойида қайта ишлаш корхоналаримизда 291 минг тоннадан ортиқ бензин тайёрланган (stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mitayangilliklar/8962). Демак, йилга миллион тоннадан ортиқ



маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилапти.

Иккинчи ва назаримизда, **асосий бўлган омил** хусусида куйида сўз юритамиз.

2020 йилнинг май ойи аввалида бензин ва дизел ёқилғиси чакана нархларининг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинган. Нархларни эркин бозор белгилаши, нефтни қайта ишлаш заводлари ўз маҳсулотларини

биржа орқали сотиши белгиланган. Хуллас, бу жабҳада ҳам бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари амал қила бошлади.

Мен иқтисодчи ёки нефть маҳсулотлари нархи шаклланиши бўйича мутахассис эмасман. Аммо шуни яхши биламанки, бозор иқтисодиёти, яъни барча тадбиркорларга тенг имконият берилган ва рақобат шароитида товар-

лар тўлиб-тошиб кетиши ва табиийки, нархлар арзонлашиши, харидорларда танлаш имконияти вужудга келиши лозим эди. Талай давлатларда шундай бўлган ва бўляпти ҳам. Лекин бизда, негандир, айрим соҳаларда бундай бўлмаяпти. Ҳолбуки, эркин бозорнинг яна бир афзаллиги шуки, ишлаб чиқарувчилар, тижоратчилар истеъмолчи манфаатлари, хоҳиш-истаги билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

Хуллас, нефть маҳсулотлари масаласида хусусий бизнес, ишбилармонлик муҳити юзага келтириши зарур бўлган мўл-кўлчилик, арзончиликни кўрмаямиз.

Бунинг боиси не? Бу саволга тажрибали, энг муҳими, мустақил, ҳолис иқтисодчилар ҳаққоний жавоб беради, деган умиддамыз.

Бобо ДҮСТ

Мурожаат қилишни биласизми?

Фуқаролар ва юридик шахслар маъмурий судларга мурожаат этганда ариза ёки шикоятнинг шакли ва мазмунига ҳар доим ҳам риоя қилишмайди. Бу эса, ўз навбатида, судга тақдим этилган аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд уни қайтаришга асос бўлади. Натижада судга мурожаат қилувчининг ортиқча овозагарчилиги келиб чиқади.

Хўш, аризининг шакли ва мазмуни қандай бўлиши керак?

Маъмурий суд ишларини юриштиш тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасига кўра, биринчи навбатда ариза (шикоят) берилаётган суднинг номи аниқ кўрсатилиши керак. Масалан, ҳозирги кунда маъмурий судларни Тошкент шаҳар ва вилоят марказларида туманлараро қилиб ташкил қилинганини ҳисобга олиб, Тошкент туманлараро ёки бошқа вилоят туманлараро маъмурий судга деб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Амалиётда, айтайлик, Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари юзасидан ариза билан мурожаат қилганда Олмазор туман маъмурий судига деб ҳатто суднинг номи нотўғри кўрсатилса ҳам, уни қайтаришга асос бўлади.

Шунингдек, аризада:

ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми);

жойлашган ёри (почта манзили) ёки яшаш жойи;

арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатлар (агар улар мавжуд бўлса);

арз қилинган талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар;

аризачининг қонун ҳужжатларига асослаб келтирган талаблари, талаб бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар;


устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана;

устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонун ҳужжатига зид экани;

аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби кўрсатилиши керак.



Одатда маъмурий судга шикоят билан мурожаат қилувчилар ўз талабларини нотўғри кўйишади. Яъни, зарар ундириш, қарорни бекор қилиш ва ҳоказо.

Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир. Бундан Конституциявий судга, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга кўрилиши лозим. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

“Маъмурий тартиб таомиллар” тўғрисидаги қонуннинг 59-моддасига кўра, маъмурий ҳужжат қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, у маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши керак. Бу қоидадан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, маъмурий судга маъмурий орган қарори юзасидан низолашиш бўйича

ариза киритилганда ушбу қарорни бекор қилишни сўраб эмас, уни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб мурожаат қилиш керак.

Шуни ҳам айтиш жоизки, маъмурий суднинг тарафлари ариза ва жавобгарлардан иборатдир. Маъмурий судга даъво аризаси сифатида мурожаат қилинмайди.

Ариза – қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс. Маъмурий органлар эса – маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялардир.

Президентимизнинг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида ҳам маъмурий органларнинг рўйхати келтириб ўтилган. Фуқаролар ва юридик шахслар мазкур маъмурий органларнинг қарорлари ёки қонунга хилоф ҳаракатлари юзасидан маъмурий судга мурожаат қилишлари мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат – судга му-

урожаат қилиш муддати масаласи.

Жумладан:

маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида;

давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кун ичида;

сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан беш кун ичида судга берилиши мумкин.

Ариза беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин. Тўғри, суд ҳар бир иш бўйича ариза томонидан қонун билан белгиланган судга мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганини аниқлаши, мазкур муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганидан қатъи назар, уларнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим. Лекин шуни ҳам инобатга олиш лозимки, агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, ариза қаноатлантириш рад қилинади.

Аризага белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўлангани, агар бу ушбу тоифадаги ишлар учун қонунда назарда тутилган бўлса, белгиланган тартибда ва миқдорда почта харажатлари тўлангани, аризининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ҳамда учинчи шахсларга юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Фуқаролар ва юридик шахслар маъмурий судларга мурожаат қилаётганда юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликларга йўл қўйишмаса, шикоятларни қабул қилишни рад этиш ва уларни қайтариш ҳолатлари анча камайишига эришиш мумкин.

**Азизбек БОЗОРОВ,
Султон НУРНАЗАРОВ,
Тошкент туманлараро
маъмурий судининг
судья ёрдамчилари**

XXI аср бунёдкорликлари


Ер юзининг сайқалига айланаётган шаҳар

Айни кунларда Самарқанднинг айрим кўчаларида тирбандлик юзага келмоқда. Чунки шаҳар ва унинг атрофи улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Кўчалар таъмирланмоқда, ер ости ва усти йўллари, янги кўприк, бино ва иншоотлар қурилмақда, сув ва канализация тармоқлари тортилмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган пресс-турда ОАВ вакиллари бу ерда жадал тус олган бунёдкорликлар билан яқиндан танишди. Тадбир иштирокчилари дастлаб Бўстонсарой кўчасида олиб борилаётган йўл қурилиши ишларини кузатишди.

– Шаҳардаги айрим кўчалар кенгайиши муносабати билан кўплаб аҳоли хонадонлари бузилиш рўйхатида тушганди. Масалан, биргина Бўстонсарой кўчасидаги 79 та бионинг 78 таси тураржойдир, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Акмал Шукуров. – Бузилган уйлarning эгаларига 25 миллиард сўм компенсация, айримларининг хоҳишига кўра Сартепа, Сўғдиёна, Микрорайон, Қорасув худудларидан уй-жойлар ажратилапти.

Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесимида айни пайтда туннель қурилишининг иккинчи босқич ишлари давом этмоқда. Ушбу иншоотнинг узунлиги 624 метр,




баландлиги 5,5 метр. Бу манзилда пиёдалар учун ер ости йўлаклари қурилади. Устида қуриладиган кўприк остида 4 тасмали автомобиль, 2 тасмали трамвай йўллари барпо этилиб, июлда кўприқдан транспортлар қатнови йўлга қўйилади. Июнда 157 млрд. сўм маблағ асосида ер ости йўлининг иккинчи қисми қурилиши бошланиб, йил сўнгига фойдаланишга топ-

ширилиши режалаштирилган.

Яна бир манзил – Афросиёб кўчасидан Ойдин ҳаёт кўчасигача бўлган қисмида ҳам олиб борилаётган ишлар кўзларни янада қувонтиради. Бу ерда ҳам йўл четида кичик хиёбон ташкил этилиб, ландшафти, насиб этса, замонавий

қиефада акс этади. Хориждан келтирилган кипарис, арча, олхўри, робинья, акациялар кўчаларга ўзгача зеб бағишлаган.

Шундан сўнг прес-тур қатнашчилари Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали қурилиши билан танишди. Марказий Осиёда ягона бўлиши қутилаётган ушбу замонавий ҳаво кема-



лари кўналғаси учун 80 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилган. Эътиборлиси, фаолиятини бошласа, бир вақтнинг ўзида 4 та рейсга хизмат кўрсатади. Айтайлик, 2019 йилда бир ҳафтада 49 та рейсга хизмат кўрсатилган бўлса, янги ишга тушгач, бу рақам бир иш кунда амалга оширилади. Қолаверса, бир вақтнинг ўзида 1 200 йўловчига 20 та рўйхатдан ўтказиш нуқтаси ишлаш бошлайди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, халқаро аэропортининг реконструкция қилиниши боис унинг атрофида жойлашган 765 та турар ва нотурар жойларни бузишга тўғри келади. Бунинг учун ҳозиргача 20 миллиард сўм компенсация маблағлари ажратилган. Айни шу ҳудудга ёндош бўлган, яъни Самарқанд шаҳри ва Янгиобод маҳалласини боғловчи Қорадарё устидан кўприк қурилади ва Ширин шаҳарчасига айлантдирилади. Унда 9, 16 ҳамда 25 қаватгача кўп қаватли уйлар қурилади.

Ажойиб сەъҳат давомида журналист ва блогерлар Самарқанд эшак эшиш канали ҳудудидан барпо этилаётган туризм марказида олиб бори-

лаётган қурилиш ва уларнинг лойиҳалари билан ҳам танишишди. 212 гектар майдонда жой олаётган мазкур марказ учун 353 млн. АҚШ доллари сарфланиши мўлжалланган. Қурилиши давом этаётган бинолар ва уларнинг лойиҳалари барчада катта қизиқиш уйғотди. 10 та объект, чунончи, 2 минг кишилик Конгресс Холл, 8 та меҳмонхона ҳамда “Абадий шаҳар” қарвонсаройи барпо этилади. Қурилиши давом этаётган “М-37” автомагистраль йўлидаги монолит кўприк, Уста Умар Жўрақулов, Панжакент, Даҳбед, Рудакий ва Зарафшон шоҳ кўчаларида “Сув таъминот” МЧЖ, вилоят автомобил йўллардан фойдаланиш ҳудудий бошқармаси, “Самарқанд минтақавий йўл хизмати” ДУК каби корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бир сўз билан айтганда, ер юзининг сайқали деган гўзал таърифнинг исботини кўрмоқ ва бу кўхна шаҳар доврўғини таратмоқ ҳаммамизга насиб этсин!

Муҳаббат ПАВШАНОВА,
“XXI asr” муҳбири


Касбидан камол топаётган аёл

Меҳнат инсонни улуғлайди деб бежиз айтишмайди. Нашримизнинг ўтган сонда Андижон вилоятидаги “Азимут строй” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари ҳақида сўз юритганимизда ҳам юқоридаги фикрнинг нечоғлик тўғри эканига бот-бот амин бўлган эдик. Ҳозирда ҳалол тер тўкиб, касбидан камол топганлар етарлича топилди ораимизда. “Элегант строй элит” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, моҳир курувчи Илтифот Абдурахмонова ана шундай инсонлардан бири.

Ўрта мактабни тамомлаб, қизиқиши боис қурилиш техникумида таҳсил олган И.Абдурахмонова 1995 йилгача қатор қурилиш ташкилотларида фаолият юритган. Томск шаҳридаги қурилиш муҳандислик олий ўқув юртида таҳсил олиб, меъморчилик ва бинокорлик илминини мукаммал ўрганган. Ёш мутахассис қурилиш бошқармаларида ишлаб,

тажриба орттириб, мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда хусусий қурилиш фирмасига асос солган. Қаҳрамонимиз бир муддат вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясида раҳбарлик лавозимида ишлаб, касбдошларига билмаганини ўргатган, улардан билмаганини ўрганган.

У фаолияти давомида вилоятдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳамда таълим, шифо масканлари, аҳоли учун тураржойлар барпо этишда бор билим-салоҳияти ва тажрибасини ишга солиб, бир-биридан чиройли, мустаҳкам бинолар қад ростлашига муносиб ҳисса қўшди. Масалан, Андижоннинг Асакаси ёки Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ



туманида аҳоли учун кўп қаватли арзон уй-жойлар барпо этилишида жонбозлик кўрсатди.

Шунингдек, аҳил жамоаси билан табиий офатдан талофат кўрган Сардоба туманидаги Навбахор

маҳалласида уй-жойларни қайта қуриб, савоб ишларини бир зум бўлса-да тўхтатмади.

Айни кунда захматкаш бинокор бошчилигидаги “Элегант строй элит” МЧЖнинг зарбаста курувчилари Қўрғонтепа туманидаги Яссавий маҳалласи аҳли учун инвестиция лойиҳасига кўра, янги 330 ўринли мактаб биносини барпо этмоқда. Демак, қаҳрамонимиз ва унинг аҳил жамоаси куну тун изланишда, бунёдкорлик ишлари билан банд.


Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” муҳбири

Мақола реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

"ДЕНҚОНОВОН КАЛІҲ ЗАВОДИ"



Uzkiyosanoat
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЈАТИ



*Бутун дунё болагарининг энг
қувончли байрами билан тубораквод
этамиз!*

*Ҳаётимизга тазмун, кўзимизга нур, қалбимизга шодлик
бағишлаб турган фарзандларимиз доимо омон бўлеин!
Кўзларида ҳақиқат меҳр бақиб турсин!*



ИККИ ҚЎНҒИРОҚ ОРАСИ

Биринчисини элас-элас эслаймиз. Негаки, у маҳаллари эндигина тетапоғ бўлиб, ақлимизни таниб-танимай ота-онамизга қилган эркаликлардан уялиб, устоз қўлига тушганмиз. Кейин...

Сўнгиси эса... ёшлиқнинг зангор фасл эканлигини эндигина англаётган лаҳзаларимизда жаранглаб чалинган ва қанот чиқарган қалдирғоч болаларидек ҳар тарафга учиб кетганмиз. Катта ҳаёт тегирмони ҳар биримизни ўз синовидан ўткази бошлайди ва фарзандимиз, неварамиз мактабга қадам қўяётган ва битираётган фурсатларда секингина ҳўрсиниб қўямиз: “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”...

Куни кеча мамлакатимиздаги барча мактабларда “сўнгги кўнғироқ” садолари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан битирувчи ўғил-қизларимизга табрик йўллади. Тасаввур қиялсизми, бу йил юртимизда қарийб 438 минг нафар ўқувчи-ёшларимиз қўлларига етуклик шаҳодатномаларини олиш бахтига муяссар бўлади. Бу кичкина рақам эмас, балоғатга етган салкам ярим миллион йигит-қизлар катталар сафига қўшилипти. Бир дунё орзулар оғушидаги юрган ёшларнинг қанчаси олий ўқув юр-



лари талабаси бўлади, қанчаси касб-ҳунар эгаллайди, яна неча фоизи “Ёшлар дафтари” ёки “уюшган ва уюлмаган” лар рўйхатига киради, у ёғи қоронғи. Асосийси, улар учун энди ҳаёт ўз неъматларини аямайди, қувонч-ташвишлар фасли бошланди!

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 214-умумтаълим мактабида карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилган “сўнгги кўнғироқ” да бевосита қатнашиб, давлатимиз раҳбарининг

табригидаги ушбу қувончбахш сўзлар маъносини чуқур ҳис этдим: “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” деган шior асосида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди. Юртимизда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги замонавий Президент мактаблари, ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим, 171 та нодавлат, 18 та давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 56 та математика, 28 та кимё-биология, 14 та ахборот технологиялари фанларига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди.

Шу борадаги ишларимизни изчил давом эттириб, кейинги пайтда физика ва чет тилларига ихтисослаштирилган мактаблар очишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шу йил сентябрь ойида 14 та физика ва 207 та чет тилларига ихтисослаштирилган мактаб ўз фаолиятини бошлашини алоҳида таъкидлаш лозим”.

Бу рақамлар, ўйлаймизки, расмиятчилик ёки ҳўжакўрсинга келтирилаётгани йўқ. Ушбу йил биринчи марта битирувчиларга Президентнинг табрик йўллаб, алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиши ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар қандай давлатнинг эртанги тараққиёти ва ривожланиши, дунёга танилишида ёш авлоднинг алоҳида ўрни борлиги ҳақиқат.

– Мактаб битирувчилари бирор олий ўқув юртига муддатидан аввал талабалikka қабул қилингани қачон эшитгандик, – дейди 214-мактаб директори Гулнора Алимбекова. – Бунақа байрамона воқеа олдин бизда йўқ эди, тўғрими? Бу гапни нега ҳаяжонланиб айтганимнинг боиси, бизнинг мактабимиздан бириўла икки нафар



битирувчи – Асилбек Бахтиёров ҳамда Расулхўжа Меҳмонхўжаев энг нуфузли Тошкент Халқаро Вестминстер университети ва Инҳа университетларига талабалikka қабул қилинди. Қайси бирини танлашлари уларнинг ўзларига ҳавола. Муҳими, устозлари ва ота-оналари ишончини оқлашди.

Ниҳоят бутун Ўзбекистон мактабларида бўлганидек бу илм масканида ҳам “сўнгги кўнғироқ” чалинди. Ҳали “биринчи кўнғироқ” жарангини юрагида тўла ҳис қилиб улгурмаган митти қизалоқни елкасида опичлаб олган битирувчи йигитнинг кўнглидан нелар ўтгани бизга ноаён. Лекин оддий ҳақиқат шуки, унинг тенгдошлари ҳаётида бундай жарангли ва жарангсиз, кутилган ва кутилмаган кўнғироқлар энди кўп бўлажак.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Миробод туманидаги 214-умумтаълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси



Ташаббус

Карманалик директор контрактни тўламоқчи

Куни кеча мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби Кармана туманидаги 31-умумтаълим мактабида ҳам битирувчиларнинг “сўнгги кўнғироқ” тадбири бўлиб ўтди.

Мактаб директори Қаҳҳор Халилов Президентимизнинг мактаб битирувчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттиргани йиғилганларни руҳлантириб юборди.

Кутилмаган янгиликни мактаб

директорининг ўзи айтди! **Битирувчилари юз фоиз контракт асосида ўқишга кирса, унинг 50 фоизини фидойи устоз ўз ҳисобидан тўлаб бериши, агар давлат гранти асосида қабул қилинса, 1 миллион сўмдан**

пул ҳамда замонавий кийим-кечак ҳада этишини айтганида ота-оналарнинг кўзлари қувонч ёшларига тўлди.

Дарвоқе, мактаб директори миллиардер бўлмаса, эл қатори ойликка яшаса, шунча маблағни қаердан олар экан, деган саволлар ҳам туғилди. Бўёғини сўрасангиз, Қаҳҳор Халилов бугунги замонга мос тадбиркор ва ишбилармон раҳбар ҳам. Давлатимиз томонидан яра-

тилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзининг соҳаси, яъни фарзандларимиз камолотига хизмат қиладиган нодавлат таълим муассасасини ташкил қилгани кўл келяпти. Демак, ваъдага вафо қилинади. Асосийси, шогирдлари ишончини оқласа бўлди!

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
журналист

Навоий вилояти

 <p>Тахрир хайъати: Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шуҳрат БАҒОЕВ Мавлуда ХўЖАЕВА</p>	<p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>XXI ASR IQTISODIY-SIYOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Сирожиддин САЙИДИ Аҳмад ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> <p>Фаррух ЖАББОРОВ Бош муҳаррир уринбосари</p>	<p>Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^а-уй.</p> <p>электрон почта: xxi_asr@mail.uz xxi_asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: қўбўзма – 71 215-63-80 (тас.факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.</p>	<p>“XXI asr” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 551 Тираж: 3477. Баҳорис келишилган нарҳда. Тошйирлиди – 17:50</p>	<p>Тахририятга келган қўбўзмалар тақриз қилинади ва муаллифларга қайтарибмайди.</p> <p>© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр</p> <p>Матбуорфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2383-497X</p>  <p>9 772383 497004</p> <p>НАШР КўРСАТИЧИ: 686 123486</p> <p>Невбатни муҳаррир: Озод РАЖАБОВ</p>
---	--	--	--	---	--